O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 26 декабрь, №260 (3272) Жума



Олий Мажлисда

***Кеча Олий Мажлиснинг оила ва аёллар муаммолари комиссияси ташаббуси билан «Маҳалла ва спорт: оилавий спорт ютуқлари ва муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

## ОИЛАВИЙ СПОРТ

### *миллий генофондни яхшилашга хизмат қилади*

Маълумки, спорт билан доимий шуғулланган киши жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда оммавий спортга эътиборни янада кучайтирди.

Натижада маҳаллаларда спорт майдончалари бунёд этилди. Ҳатто маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларининг 2021 таси ёнида спорт майдончаси қурилди. Бундан ташқари, 7339 нафар педагог-тарбиячи қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида болалар тарбияси билан шуғулланишга жалб қилинган. Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, спорт билан машғул бўлаётганлар жиноятдан йироқ юраяпти. Вояга етмаганлар орасида содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти бўш вақтларини нима билан ўтказишни билмаётган ўсмирлар бўлиб чиқмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳали бу ишлардан қониқиб бўлмаслигини таъкидладилар. Чунки мамлакатимиздаги мавжуд спорт секциялари, клублари, тўгараклар тижорат асосида фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам кам даромадли оилалар фарзандлари моддий етишмовчилик туфайли уларга қатнаша олмаяптилар. Конференцияда шунингдек, болаларни спортга қизиқтиришда шифокор маслаҳатига таяниш муҳимлиги айтилди. Нега десангиз, баъзи спорт турлари болага оғирлик қилиб, унинг ўсишига салбий таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолатларда тиббий кўрикдан ўтгандан сўнг шуғулланиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда бу йил илк бор оилавий спорт мусобақаси уюштирилди. Дастлабки босқичлари туманларда, вилоятларда кечган бу мусобақада 50 мингдан ортиқ оила иштирок этди. Республикамизда 6 миллиондан ортиқ оила борлигини назарда тутсак, бу жуда кам эканлигига амин бўламиз. Нотиқлар халқаро майдонларда курашга тушадиган истеъдодли спортчи ёшларимизнинг етишиб чиқиши ҳам оммавий спортни ривожлантиришга боғлиқлигини таъкидлашди.

Илмий-амалий анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида оилавий спортни ҳар қачонгидан ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

***ҚАШҚАДАРЁ (ЎзА мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ).***

Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда ниҳояланаётган йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишларга якун ясалиб, галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди. Унда туман ҳокимлари, йирик ширкат ва фермер хўжаликлари, бошқа дахлдор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бу йил вилоят деҳқонлари 393 минг тонна пахта етиштирди.

Гарчи давлатга пахта сотиш шартнома режаси бажарилмаган бўлса-да, мўлжалдаги тола тайёрланди. Рентабеллик даражаси ўтган йилга нисбатан анча ошди. Ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг ўзидан қирқ икки миллиард сўм соф фойда олинди. Бунда кишиларда ерга ва мулкка эгалик ҳиссининг ошаётгани, деҳқон ва фермер хўжаликларини, тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонига биноан вилоятдаги зарар кўриб ишлаётган ёки паст рентабелли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилган. Йиғилишда бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Тугатилаётган ширкат хўжаликларининг ерлари фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланаётганида масалага адолат нуқтаи назаридан ёндошиш, тендер ва танловларни ўз вақтида, сифатли ўтказиб, майдонларни ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор ҳамда миришкор кишиларга бериш лозимлиги қайд қилинди.

Йиғилишда вилоятдаги баъзи туман ва хўжалик раҳбарларининг сусткашлиги, ишни тўғри ташкил этиш борасида замон талабларидан орқада қолаётгани туфайли ўтган мавсумда пахтачиликда кўзланган натижаларга эришилмагани таъкидланди. Энди бундай хато ва камчиликларга барҳам бериш, келгуси экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, шудгорни ўз вақтида тугатиб, шўр ювиш ишларини кўнгилдагидек ташкил этиш лозим.

Йиғилишда вилоят ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.



## Меҳнат инсонни улуғлар

*Меҳнат инсонни улуғлайди. Улуғлик инсонни юксакликка кўтаради. Қўлдошбой Болтабоев (суратда)ни «Дўстлик» ширкат хўжалиги далаларида тракторни чопдириб, кеча-ю кундуз одамларнинг оғирини енгил қила бошлагач, бутун Жалолқудуқ туманига танилди. У вақтини ҳам, меҳнатини ҳам одамлардан аямайди, тракторини кўпкарига тайёр турган арғумоқдай қилиб қўяди.*

*Ҳозир ҳам Қўлдошбойнинг «ғироти» хўжаликнинг 2-бригадасидаги бошқа агрегатлар қатори чигит экиш мавсумига шай қилиб қўйилган.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил бошида Испанияга давлат ташрифи чоғида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш мақсадида “Испания Қироллиги билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилган эди.

## ТАЪЛИМ ЛОЙИҲАСИ

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази мазкур қарор асосида “Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш” лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тиббиёт коллежларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш белгиланган. Лойиҳада педагог кадрлар малакасини ошириш, ўқув услубий қўлланмалар яратиш ҳамда мультимедиа дастурлари ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Йигирма беш миллион евро миқдоридаги Испания имтиёзли кредити асосида амалга ошириладиган мазкур лойиҳа икки йилга мўлжалланган.

**Ҳ. СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.**

## *Коллеж учун кўркам бино*

**Хушманзара маскан Хонободда яна бир кўркам иншоот қад ростлади. 2-қурилиш-созлаш ҳиссадорлик жамияти бинокорлари барпо этган ўқув даргоҳи янги йил арафасида ёшларга ўз эшикларини очди. Педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежида уч юз нафар талаба таҳсил олади. Уларга педагогика, бухгалтерия, автомобилларни бошқариш ва таъмирлаш йўналишлари бўйича сабоқ беришади.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки даврдан бошлаб Япония билан дўстона ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ушбу муносабатлар асосида Буюк Ипак йўлининг кўҳна анъаналари — чуқур маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар ётади.

## Ҳамкорликнинг нурли истиқболлари

Шу йил 21-23 декабрь кунлари Япония Ташқи ишлар вазирлиги таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳайъати Токиога ташриф буюрди. Дастлабки учрашувлар Япония Бош вазири Ж.Коидзуми билан бўлиб ўтди. Қабул маросимида япон томони республикамиз ҳукуматининг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсатига юқори баҳо берди.

— Ҳозирги замон сиёсатчилари орасида Ислом Каримов алоҳида ҳурматга сазовор шахсдир. Чунки у 11 сентябрь воқеаларидан анча илгари бутун жаҳон жамоатчилигини халқаро терроризмга қарши кураш бошлаш лозимлиги тўғрисида огоҳлантирган эди, — дея қайд этди Япония Бош вазири.

Ж. Коидзуми, шунингдек, бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси, айниқса Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида тутган геополитик аҳамиятининг тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Ташқи ишлар вазири Й.Кавагучи билан ўтказилган музокаралар чоғида республикада олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар Япония ҳукумати томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши қайд этилди.

Ташқи ишлар вазирлари С.Сафоев ва Й.Кавагучи томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида битим мамлакатларимиз ўртасида амалга оширилаётган ҳаво транспорти алоқаларига ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ушбу биринчи ҳукуматлараро битим савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга ундашдан ташқари, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларига япон сайёҳлари оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

Япония Ташқи ишлар вазирлигида ўтказилган музокаралар чоғида, шунингдек, икки мамлакат авиакорхоналарининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида алмашув ноталари ҳам имзоланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси билан Япония ҳукуматлари ўртасида Япония томонидан кадрларни тайёрлаш лойиҳаси бўйича беғараз ёрдам (134 млн. япон йени миқдорида) ажратилиши тўғрисида алмашув ноталари имзоланди.

Ташриф чоғида Япониянинг Япония ижтимоий бошқарув, ички ишлар ва телекоммуникациялар вазирлиги, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси, Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония банкида учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида телекоммуникациялар, хусусан, республика ахборот инфратузилмасига замонавий япон технологияларини жорий этиш борасидаги ҳамкорлик "Sony", "NEC", "Mitsui" каби Япониянинг жаҳонга машҳур компаниялари ёрдамида амалга оширилиши мўлжалланаётгани қайд этилди

Ўзбекистон ҳайъатининг Япония Вазирлар Маҳкамасининг махсус маслаҳатчиси К.Накаяма билан ҳам учрашуви бўлди. Накаяма Хоним икки давлат ўртасидаги самимий муносабатларга юксак баҳо бериш баробарида шундай деди:

— Мен Ўзбекистонда Япония элчиси сифатида меҳнат қилган давримни, тўғриси, жуда соғинаман. Ҳаётимнинг серқуёш Ватанингизда ўтган уч йили мен учун тақдир туҳфаси бўлган ва у умримнинг охиригача хотирамда қолади.

**Б. АЛИМОВ, АА “Жаҳон”. Токио.**

Пойтахтимизда



*Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент маркази ташаббуси билан “Ҳакамлик судларини ривожлантириш имкониятлари: иқтисодий низоларни ҳал этишнинг муқобил механизми сифатида” мавзусида семинар бўлиб ўтди.*

### *Ҳакамлик судлари:*

## У ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Конституциявий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, жамоат бирлашмалари вакиллари ҳамда тажрибали ҳуқуқшунос ва адвокатлар иштирок этган ушбу тадбирда мамлакатимизда ҳакамлик ва арбитраж судларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти – жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеини кескин кучайтириш, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда Ҳакамлик ва Халқаро арбитраж судларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Ҳакамлик суди – бу тарафларнинг низоларини уларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал қиладиган нодавлат суд ҳисобланади. У хўжалик субъектлари ўртасида вужудга келадиган низоларни тез ва холислик билан ҳал қилишга хизмат қилади.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

Жойлардан хабарлар

## *Ахборот технологиясидан фойдаланиш — давр талаби*



**Навоий шаҳри халқ таълими тизимида ахборот коммуникацияси технологияларидан фойдаланишда ўзига хос тажриба тўпланди. Масалан, 11-мактабда масофадан ўқитиш жараёни самараси яққол сезилди. 15-мактабда электрон почта кўпдан-кўп мушкулларни осонлаштирмоқда. 15-болалар боғчасидаги компьютерларнинг интернет тармоғига уланганлиги кичкинтойлар дунёқарашини шакллантиришда ижобий роль ўйнаяпти.**

**Халқ таълими вазирлиги ташкил этган республика амалий семинари иштирокчилари уларни кўздан кечириб, юқори баҳолашди. Халқ таълими тизимида ахборот технологияларига йўл очилаётганлиги таъкидланди.**

**А. ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## *Янги кон тақдимоти*

**«Янги Қоратепа» газ ва газ конденсати конини ишга тушириш «Шўртаннефтгаз» унитар (шўъба) корхонасидагина эмас, мамлакатимизда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки газни қайта ишлаш корхонасига бир кеча-кундузда 860 минг куб метр газ конденсати етказиб бериш имконияти пайдо бўлди. Энг асосийси, умумий захиралари миқдори 50 миллиард куб метрдан кўп бўлган Шимолий Нишон, Бешкент, Кармана ва Чирсон газ конларининг ҳам яқин орада ишга туширилишида муҳим роль ўйнайди.**

**Янги газ ва газ конденсати конининг фойдаланишга топширилишига бағишланган тақдимот маросимида ана шулар ҳақида сўз юритилди.**

**Н. РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### *Бугуннинг гапи*

*Яқинда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида бир неча қонун ҳужжатлари қатори, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети ҳам қабул қилинди. Мамлакатимизнинг бир йиллик ижтимоий-иқтисодий ҳаёти акс этган мазкур молиявий ҳужжат иқтисодиётдаги солиқ юки маълум миқдорда камайтирилганлиги билан эътиборлидир.*

## ИШИ ҲАЛОЛНИНГ ЮЗИ ЁРУҒ

Хабарингиз бор, шу пайтгача спиртли ва тамаки маҳсулотлари акциз солиғидан келадиган маблағ мамлакатимиз хазинасига тушади. Келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджетида бундай солиқлар маҳаллий бюджетда қолдирилиши назарда тутилган. Бу умумий акциз солиқларининг 67 фоизини ташкил этади. Табиийки, бундай маблағ ҳисобига корхона жойлашган туман ёки шаҳарнинг янада обод бўлиши, у ерда янги-янги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имконияти яратилади.

Акциз солиқлари ҳақида гап кетганда шуни айтиш кераккки, халқ саломатлигини, миллат равнақини кўзлаб спиртли ичимликлар нархини иш ҳақига нисбатан қиммат белгилаган мамлакатлар дунёда анчагина. Халқаро келишувга мувофиқ бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини олиб ўтишнинг муайян миқдори белгиланган. Шундан ортиқ миқдорда эса фақат махсус рухсатнома билан божхона масканида расмийлаштирган ҳолда олиб ўтиш мумкин. Акс ҳолда...

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз ҳудудига акциз маркаси бўлмаган спиртли ва тамаки маҳсулотларини қонунга зид равишда олиб киришга уриниш ҳолатлари учрамоқда. Яқинда Қашқадарё вилоятининг Туркманистон билан чегара ҳудуди томонидан келаётган машина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг эътиборини тортди. Шомил Қиличев ўзи бошқараётган «ЗИЛ-130» русумли давлат белгиси 22-00 КФЛ бўлган машина билан айланма йўллар орқали Қарши туманидаги Тўқманғит қишлоғига кириб келди. Шу қишлоқлик таниши А. Ҳайитовнинг ҳовлисида машинани тўхтатди. Юкни тушираётган пайтда прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, вилоят божхона бошқармаси ходимларидан иборат гуруҳ етиб келди. Маълум бўлишича, Шомил Қиличев акциз маркаси бўлмаган 87 минг 500 қути «PINE» сигаретасини ноқонуний равишда мамлакатимизга олиб кирган экан. Тадбир жараёнида фуқаролар Э. Сувонов, Ш. Хўжаниёзов, А. Абдуғаниев ва Ў. Сувонов ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда қинғир ишга қўл ургани фош этилди. Бундан ташқари, Эргаш Сувоновга тегишли «Нексия» русумли, давлат белгиси «18 А 2456» бўлган машинада 43 минг 370 қути «PINE» сигаретаси борлиги аниқланди.

Мамлакатимизда тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида янги қонунлар қабул қилинаяпти. Баъзи қонун ҳужжатларига эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунга қарамай, жамоатчиликни чалғитаётган «тадбиркорлар» учраётгани дилни хуфтон қилади. Деновлик Ўктам Раҳматов «ишбилармон»лигини қинғирликдан бошлаган экан. У фуқаро О. Эрматовга 70 дона «Денов» ароғини 50 минг сўмга ноқонуний тарзда сотаётган вақтда прокуратура ходимлари томонидан ушланган. Ўктамнинг уйи кўздан кечирилганида қўлбола усулда тайёрланган 580 дона «Денов» ароғи, 220 дона алюмин қопқоқ, 215 дона «Денов» ароғи ёрлиғи, 125 дона акциз маркаси, 180 дона «Алпомиш» ароғи ва бошқа далилий ашёлар топилган.

Балки, сиз бу каби жиноятларнинг Давлат бюджетига нима дахли бор, дея ҳайрон бўлаётгандирсиз? Боғлиқлик томони кўп. Жамият бамисоли бир оила. Оила даромадига ҳаром йўл билан топилган пул қўшилса, фарзандлар нопок ишларга қўл ураверса ўртада меҳр-оқибат йўқолади. Хонадондан файз-баракот кўтарилади. Қонуний асосда ҳалол иш юритган одамнинг эса эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлади.

**Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### *Қарор ва ижро*

*Ҳозир аграр соҳадаги қайси бир маҳсулот етиштирувчини кузатсангиз, у шартнома асосида ишлаш ва унга амал қилиш қоидаларини пухта ўзлаштириб олганлигининг гувоҳи бўласиз. Пудратчи ёки фермер қанча маҳсулот ишлаб чиқаради, қанчага сотади ва қанча даромад олади — буни яхши билади. Бу, аввало, тармоқда меҳнат қилаётганларнинг қатъий қонун асосида ишлаётганлигидан, яъни уларнинг ҳуқуқий онги ошиб бораётганлигидан далолат беради.*

# БОЗОРНИНГ асосий талаби

## *шартнома бандларини бажаришдан иборатдир*

Шартнома асосида ишлаш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан биридир. Унга амал қилиш, шу тарзда хўжалик юритиш қонун билан белгиланган бўлиб, барча хўжалик субъектлари ўз фаолиятини шу асосда амалга оширади. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида шартнома асосида ишлаш учун ҳамма қонуний шарт-шароит яратилган. Бу борада маълум тажриба ҳам тўпланган.

Республикамизда аграр соҳа етакчи тармоқ ҳисобланиб, мазкур тармоқда ҳам шартнома асосида иш юритилаётганига бир неча йил бўлди. Бундай тартибда фаолият кўрсатиш борасида барча хўжалик субъектлари маълум тажрибага эга. Аммо иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бориши туфайли шартномалар тузиш, унга тузатишлар киритишни такомиллаштириб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Сабаби — шартномаларни тузишда, уларга амал қилишда камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Масалан, айрим шартномаларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг манфаатларига ёки маҳсулот етиштиришга қулай шароит яратишга етарлича эътибор берилмайди. Таъминот, хизмат кўрсатиш, тайёрлов ташкилотлари билан тузилган шартномаларда белгиланган мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаслик ҳолатлари кўплаб учрайди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида қишлоқ хўжалик корхоналарига таъминот корхоналари томонидан азотли минерал ўғит етказиб бериш режаси 81 фоиз, фосфорли ўғит 66 фоиз, калий 16 фоиз, бензин етказиб бериш 60 фоиз, дизель ёнилғиси 71 фоиз бажарилган, холос.

Хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан ҳам худди шундай камчиликлар содир этилган. Улар билан 39761 ишлаб чиқарувчи ўртасида 197585 миллион сўмлик шартномалар тузилган, лекин ҳақиқатда 164359 миллион сўмлик ишлар бажарилганига нима дейсиз? Бундай камчиликлар, табиийки, режадаги маҳсулотни етиштиришга салбий таъсир қилди: ғаллачилик бўйича режага нисбатан 175 ширкат хўжалиги 14915 тонна, 8854 фермер хўжалиги эса 16432 тонна буғдойни кам етиштириб, топшириқни уддалай олмади.

Мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор берилиб, бир қатор вазирликлар зиммасига янги шартномаларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 4 сентябрда "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Унда Адлия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларига маҳсулот етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларини маҳсулот етиштирувчилар манфаатларини кўзлаб берган даъво аризалари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилиш белгиланган.

Ҳукумат қарорига биноан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, бажарилишини мониторинг қилиш борасида Низом тасдиқланди. Таъминот ташкилотлари моддий-техника ресурслари (эҳтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқалар) етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларда уларни келишилган муддатда етказиб бериш, хўжаликлар эса белгиланган вақтда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Низомда маҳсулотларнинг айрим турлари давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган тақдирда тайёрлов ташкилотлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоб жамғармаси билан маблағлар ажратиш тўғрисида шартномалар тузади. Имзоланган барча шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин қонуний кучга кириши шарт қилиб қўйилган.

Эндиликда маҳсулот етиштирувчилар, таъминот ва тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш бир неча босқичда амалга оширилади. Масалан, шартномаларни кўриб чиқиш ва имзолаш учун етти кун, уларни рўйхатдан ўтказиш учун уч кун, шартномаларни тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга бериш учун бир кун белгиланди. Шунингдек, маҳсулот етиштирувчиларнинг ҳуқуқлари оширилди. Мабодо маҳсулот қабул қилиш рад этилганда, бу ҳақда етиштирувчига ёзма равишда маълум қилинади. Механизация бўйича кўрсатилган хизматлар бевосита хўжаликлар мутахассислари томонидан қабул қилинади ва далолатномалар тузилиб, уларда бажарилган ишлар кўрсатилади.

Хуллас, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, тармоқда иш юритишни бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, маҳсулот етиштирувчиларга янада кенг мустақиллик бериш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлайди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Абдимажид НУРҚУЛОВ,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи.**





## *Шаҳар чирой очмоқда*

*Поп тумани маркази кундан-кун чирой очиб, ободонлашиб бормоқда. Кўркам, бир-биридан чиройли бинолар қад ростлаяпти. Айни пайтда ҳам бунёдкорлик, қурилиш ишлари давом этмоқда. Қурувчиларнинг бир қисми бинолар барпо этиш билан банд бўлса, бир қисми йўлларни кенгайтирмоқда. Бу ишларда қурилиш ташкилотлари билан бирга хўжалик ва корхоналар жамоалари ҳам иштирок этишяпти. Энг муҳими, ушбу бунёдкорлик ишларининг асосий қисми ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: туман бош меъмори Қаҳрамон Рашидов (ўнгдан биринчи) қурилиш иштирокчилари билан галдаги вазифаларни муҳокама қилмоқда; йўллар кенгайтирилмоқда.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.**

# Адашганларга имконият берилди

*Инсоннинг қадр-қимматини улуғлаш мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ амалга оширилди. Бу борада кўплаб қонунлар қабул қилинди. Дарвоқе, ҳамма нарса инсон манфаатига хизмат қилиши, унинг шаънини ҳурматлашда ҳикмат кўплигини ҳаёт исботлади. Инсон ҳуқуқи ҳақида ўйлашдан чўчиган кунларимиз ортда қолди.*

### *Бағрикенглик*

Одам дунёга келганидан кейин яшагиси, ишлагиси, ўз ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилгиси келади. Табиийки, фуқароларимиз учун бу эркинлик Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу асосда қабул қилинаётган қонунларимизда инсоннинг қатор ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Бунинг устига «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармон эълон қилингани инсонпарварликнинг олий кўриниши бўлди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий масала эканлиги қонунларимизда мужассамлашгани ҳолда Юртбошимиз томонидан адашганларга, қилмишига иқрор бўлганларга меҳр билдириб турилса, бағрикенгликнинг қадрига етиш керак-да.

Фармоннинг 2-моддасида: «Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин» дейилган. Дарвоқе, Фармон ижросига киришилгани боис, бу моддага мос келадиган бир-иккита мисолни келтирмоқчи эдим.

Тўрамурод Раҳматов 1965 йили Шаҳрисабз туманида туғилган, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, яхшигина мутахассисликка эга. Қаршидаги «Тижорат бозори» очиқ ҳиссадорлик жамиятида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. Шундай одам муомала қилишда қўполлиги ва ўзини тута билмаслиги оқибатида жиноят содир қилади. Шаҳардаги «Бобур» бозорчаси ёнида фуқаро Дилафрўз Бердиева билан жанжаллашиб, унга тан жароҳати етказади.

Илҳом Файзуллаев 1985 йили Қаршида туғилган. Маълумоти ўрта, ҳеч қаерда ишламайди, муқаддам судланмаган. Шу йил 29 июль куни жиноий шериклари – вояга етмаган Фахриддин Ҳақбердиев ва Суҳроб Расуловлар билан бирга Қарши шаҳар «Ўзбекистон» шоҳкўчаси бекати ёнида фуқаро Шаҳноза Муродова бўйнидаги 120.000 сўмлик тилла занжирни талончилик йўли билан олиб қочиб кетади.

Тоғни урса талқон қиладиган, билагига куч тўлган бу йигитча қилмишидан пушаймон, айбига иқрор бўлади. Жазо муқаррарлигини тушуниб етади. Тўрамурод Раҳматов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси I-қисмида назарда тутилган, Илҳом Файзуллаев ЖКнинг 166-модда 2-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир қилишган. Улар биринчи марта жиноят содир қилганликлари учун судланаётган эди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди томонидан 2003 йил 5 декабрь куни Тўрамурод Раҳматовга нисбатан жиноят иши Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 5-моддасига асосан, ҳаракатдан тугатилган бўлса, Фармоннинг 2-моддасига кўра Илҳом Файзуллаев жазо тайинланмасдан, 2003 йил 11 декабрдаги ҳукм билан жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Демак, ҳар иккала судланувчига ҳам яна бир бор имконият берилди. Энди улар янги — Меҳр ва мурувват йилини уйида, бола-чақаси даврасида кутиб оладиган бўлишди. Бу Фармонда муҳрланган инсонпарварликнинг юқори кўринишидан далолат эмасми?

**Э. ҲАЙИТОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди судьяси.**

*Швейцариянинг «Vifor International» компанияси Ўзбекистонга бир миллион АҚШ доллари миқдорида камқонликка қарши «Венофер» дори-дармон воситаларини инсонпарварлик ёрдами сифатида топширди. Мазкур дори воситаси Ибн Сино халқаро жамғармаси орқали республика тиббиёт муассасаларига тарқатилади.*

## «Вифор»нинг ёрдами

— Камқонлик ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Саиджалол Баҳромов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Унинг юзга яқин тури мавжуд бўлиб, улар орасида темир моддасининг танқислиги айниқса, кўп учрайди. Касалликни даволаш учун 500 дан ортиқ дори-дармонлар яратилган. Улардан фойдаланилганда баъзан кутилмаган натижаларни бериши мумкин. Швейцариянинг «Vifor International» компаниясининг дори воситаси инсон организмида темир моддаси танқислигида ва касалликнинг оғир ҳолатларида қўлланилади.

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилги Давлат стипендиатлари*

# Куч — билим ва тафаккурда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги ***"Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"***ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги ***"Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"***ги 77-сонли ва 1993 йил 25 мартдаги ***"Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"***ги 157-сонли Қарорларига асосан аспирантлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилги Давлат стипендиатларини аниқлади.

Фан ва технологиялар марказига навбатдаги 2004 йилги танловда иштирок этиш учун Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва бошқа вазирлик, идоралар томонидан қуйидаги 5 та устувор илмий-техник йўналиш бўйича 39 даъвогар аспирантнинг ҳужжатлари тақдим этилди:

**1. Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш**
**2. Агросаноат мажмуаси**
**3. Энергетика, ресурслар, саноат**
**4. Соғлиқни сақлаш ва экология**
**5. Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув.**

Фан ва технологиялар марказининг Танлов комиссияси 2003 йил 19 декабрдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида тегишли имтиҳон ва синовларни муваффақиятли топширган ҳамда ўзининг илмий фаолиятида маълум ютуқларга эришган 18 та номзод аспирант ўртасида якуний танлов ўтказди.

Танлов комиссияси ***"Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби"***га биноан яширин овоз бериш йўли билан 5 та устувор илмий-техник йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилги Давлат стипендиялари танлови ғолибларини аниқлади.

**Фан ва технологиялар марказининг 2003 йил 22 декабрдаги Қарори билан танлов комиссияси томонидан аниқланган қуйидаги 5 нафар иқтидорли аспирант Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилги Давлат стипендиатлари деб тасдиқланди.**

### Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш



**Исоқова Муҳайё Сирожиддиновна**

Ўзбекистон Миллий университети аспиранти.

1993 йилда Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 3-ўрта мактабни имтиёзли битирган.

1995 йилда Андижон давлат университетининг тарих факультетига ўқишга қабул қилинган ва 1999 йилда бакалавриатурани битирган.

1999 йилда Ўзбекистон Миллий университети магистратурасига тарих мутахассислиги бўйича қабул қилинган ва 2001 йилда магистратурани тугатган.

Шу йили Ўзбекистон Миллий университетига ***"Ўзбекистон тарихи"*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Диссертация мавзуи бўйича етакчи илмий нашрда 1 та илмий мақоласи чоп этилган, 6 халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда иштирок этган.

**Номзодлик диссертацияси мавзуи:** *"Кинофотоҳужжатлар Марказий давлат архиви тарихи ва унинг Ўзбекистон тарихи ва маданияти жамғармасини ташкил этиш бўйича фаолияти".*

**Илмий раҳбари: тарих фанлари доктори, профессор Н.А.Абдураҳимова.**

### Агросаноат мажмуаси

**Казбеков Жусипбек Сидиқбекович**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти аспиранти.

1989 йилда Нукус шаҳридаги 3-ўрта мактабни аъло баҳоларга битирган. Шу йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги иқтидорли ёшлар экспериментал мактабига қабул қилинган ва уни 1990 йилда муваффақиятли тугатган.

Шу йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг гидромелиорация факультетига ўқишга кириб, уни 1995 йилда муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича имтиёзли битирган.

1995–1996 йилларда ушбу институтда тадқиқотчи, 1996–1998 йилларда катта лаборант лавозимларида ишлаган.

1997 йилда Исроил давлатининг Иерусалим университетида "Ер ости сувларидан фойдаланиш ва бошқариш" халқаро курсини тамомлаган.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элларда ўқишини қўллаб-қувватлаш "УМИД" жамғармаси совриндори сифатида АҚШнинг Колорадо штати университетида "Экология ва сув тизимларини бошқариш" йўналиши бўйича магистратурани муваффақиятли тугатган.

2001 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ***"Гидравлика ва инженерлик гидрологияси"*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Диссертация мавзуи бўйича етакчи илмий нашрларда 3 та, хорижда 3 та, олий ўқув юрти тўпламида 1 та мақоласи, 1 та қўлланмаси чоп этилган, 1 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган, 3 та халқаро ва республика миқёсидаги конференцияда иштирок этган.



**Номзодлик диссертацияси мавзуи:** *"Ер ости сувларининг ифлосланишини ер усти сувлари билан гидравлик боғлиқлиги ҳолатида башорат қилиш (Чирчиқ дарёси водийси мисолида)".*

**Илмий раҳбари: техника фанлари доктори, профессор Д. Р. Бозоров.**

### Энергетика, ресурслар, саноат



**Хўжамбердиев Мираббос Икрамович**

Тошкент кимё-технология институти аспиранти.

1995 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Низомий номидаги 22-ўрта мактабни имтиёзли битирган.

1995 йилда Термиз давлат университетининг кимё факультетига ўқишга қабул қилинган ва 1999 йилда экология йўналиши бўйича бакалавриатурани имтиёзли тугатган.

1999 йилда Тошкент кимё-технология институтига ***"Керамика ва оловбардош материаллар кимёвий технологияси"*** мутахассислиги бўйича магистратурага қабул қилинган.

2001 йилда магистратурани имтиёзли диплом билан тугатиб, Давлат аттестация комиссияси қарорига кўра Тошкент кимё-технология институтига ***"Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси"*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Диссертация мавзуи бўйича етакчи илмий нашрларда 6 та, хорижий илмий нашрларда 2 та, олий ўқув юрти тўпламида 3 та илмий мақоласи чоп этилган.

**Номзодлик диссертацияси мавзуи:** *"Чинни таркибининг унинг структура тузилиши ва хоссаларига таъсирини ўрганиш".*

**Илмий раҳбари: кимё фанлари доктори, профессор А.М.Эминов.**

### Соғлиқни сақлаш ва экология

**Орипова Шоира Абдуллаевна**

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти аспиранти.

1977 йилда Тошкент шаҳридаги инглиз тилига ихтисослашган 17-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1987 йилда уни имтиёзли тугатган.

Шу йили II Тошкент давлат тиббиёт институтига ***"Даволаш иши"*** мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинган ва 1993 йилда битирган.

1993-1996 йилларда УАШ (умумий амалиёт шифокори) 1-ички касалликлар кафедрасида терапия мутахассислиги бўйича клиник ординатура ўтган.

1996 йилдан 2001 йилгача II Тошкент давлат тиббиёт институти 1-клиникасида шифокор бўлиб ишлаган.

2001 йилда шу институтга ***"Ички касалликлар"*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Диссертация мавзуи бўйича етакчи илмий нашрда 1 та, хорижда 1 та мақоласи чоп этилган, 4 та халқаро ва республика миқёсидаги конференция иштирокчиси.

**Номзодлик диссертацияси мавзуи**: *"Жигар церрози билан оғриган беморларда альбуминнинг РН боғлиқли конформацион ўзгариши ва уни тиклашда*



*лимфа тизимининг роли".*

**Илмий раҳбари: тиббиёт фанлари доктори, профессор Р.И.Усмонов.**

### Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув



**Турсинхонов Нурлан Мустафаевич**

Самарқанд давлат университети аспиранти.

1994 йилда Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани, Қўйтош қўрғони, М.Эргашев номидаги 4-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатган.

1994 йилда Самарқанд давлат университетининг Амалий математика факультетига ўқишга қабул қилинган ва 1999 йилда аъло баҳоларга битирган.

2001 йилда Самарқанд давлат университетида стажер-тадқиқотчи ва Давлат гранти мавзулари бўйича кичик илмий ходим лавозимида ишлаган.

2002 йилда Самарқанд давлат университетига ***"Техник тизимларда бошқарув"*** мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Диссертация мавзуи бўйича хориж нашрларида 1 та, олий ўқув юрти тўпламида 2 та илмий мақоласи чоп этилган, 2 таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган, 3 та ихтиро муаллифи, 5 та халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда иштирок этган ва давлат илмий-техника дастури бўйича 2 та грант иштирокчиси.

**Номзодлик диссертацияси мавзуи:** *"Иш ҳужжатларини автоматлаштириш тизимида информация ва таркибий-технологик ортиқчалик асосида маълумотларни ҳимоя қилиш усуллари".*

**Илмий раҳбари: техника фанлари доктори, профессор И.И.Жуманов.**

*Фан ва технологиялар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилги Давлат стипендиатларини, уларнинг ота-оналарини, таълим берган ўқитувчи-профессорлар, илмий раҳбарлар, олий ўқув юртлари раҳбарларини эришилган ушбу катта ғалаба билан табриклайди ҳамда уларга янги йилда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайди.*

**Ўзбекистон Республикаси**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**
**Фан ва технологиялар маркази**

## Самолётлар қатнамаяпти



Франция Бош вазири Жан-Пьер Раффарен фуқаролар хавфсизлигини ўйлаб мамлакат миллий авиакомпаниясидан Лос-Анжелесга учадиган олтита самалёт қатнови бекор қилинганини маълум қилди. Ҳозирда АҚШда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Бош вазир терроризмга қарши курашда америка-франция ҳамкорлиги доирасида шундай қарорга келинганини айтди.

## Ўз зиммасидан соқит қилмоқчи



Покистон президенти Парвез Мушарраф 2004 йил 31 декабрдан бошлаб президентлик ваколатини ўзида сақлаб қолиш баробарида, мамлакат армиясини бошқаришни ўз зиммасидан соқит қилмоқчи. 1999 йил Мушарраф ҳарбий тўнтариш йўли билан ҳокимият тепасига келганди. Ҳукумат ва мухолифатдаги партия ўртасида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг президент шундай қарорга келди.

## Минтақа хавфсизлиги учун

Сурия ва Миср Яқин Шарқ мамлакатларини минтақада оммавий қирғин қуролларини тарқатмасликка чақирди. Башар Ал-Асад ва Ҳусни Муборак Шарм-эш-Шайхи шаҳридаги учрашувидан сўнг шундай баёнат билан чиқишди. Икки давлат раҳбарлари Исроилнинг ядровий, кимёвий ва биологик қуроллар яратишга интилаётганлигидан ташвишда эканлигини билдиришди.

## Қўпорувчиликнинг олди олинди

Испания полицияси Мадридга келаётган йўловчи поездга портловчи модда жойлаштириб кетилганлигини пайқаб қолди ва натижада рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеанинг олди олинди. Испания расмийлари мазкур ҳаракатда ЭТО айирмачиларининг қўли борлигини айтди.

## 40 даража совуқ



Германияда ўтган чоршанба кечаси ҳаво ҳарорати 40 даражагача пасайиб кетди. Маҳаллий метеорология марказининг маълумотига қараганда, қишнинг бу даражада совуқ келиши мамлакат тарихида илгари ҳеч кузатилмаган.

## Чен Шуйбян эътирози



Хитой полициясининг маълум қилишича, тайванлик 24 жосус хитойлик 19 шериги билан қўлга олинди. Тайван президенти Чен Шуйбян бу хабарни рад этди. Унинг фикрича, Тайванда мамлакат мустақиллиги юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш масаласи кўтарилгани учун ушбу операция атайин уюштирилган.

# Қонунга ўзгартиш киритиладими?



Маълумки, дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида давлат раҳбари умумхалқ сайловида сайланади. Шу пайтгача Украинада ҳам шундай эди. Чоршанба куни мамлакат парламенти — Верховная рада 276 овоз билан Конституцияга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди. Бу лойиҳа кўпчилик парламент аъзолари ва президент маъмурияти томонидан тайёрланган. У бутунлай кучга кирадиган бўлса, 2004 йилда Украинада давлат раҳбари умумхалқ сайловида икки йилга сайланади. 2006 йилдан бошлаб эса президентни парламент сайлайдиган бўлади.

Янги қонун лойиҳаси бўйича, конституцияга парламент тўғрисида ҳам ўзгартишлар киритилаяпти. Унга мувофиқ, Украина Верховная радаси аъзолари энди 450 нафардан иборат бўлади. Ҳозир ишлаб турган, яъни 2002 йилда сайланган депутатлар мандати тўрт йилдан сўнг тугайди. Шундан кейин сиёсий партиялар ва партия сайлов блоклари томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати бўйича кўпмандатлилик асосида ёпиқ овоз бериш йўли билан янги парламент сайланади. Янги парламентнинг, яъни 2006 йилда сайланадиган депутатларнинг ваколат муддати беш йил қилиб белгиланган.

Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар лойиҳасига биноан 2004 йил октябь ойининг сўнгги якшанбасида умумхалқ сайлови йўли билан сайланган мамлакат президентининг ваколат муддати янги парламент сайланиши билан, демак, 2006 йилда тугайди. Сўнг янги сайланган Верховная рада уч ой ичида мамлакат президентини сайлайди.

Янги қонун лойиҳасига асосан, судьялар съезди томонидан сайланган конституцион суд аъзолари амалдаги конституцияда белгиланган муддатгача ўз ваколатларини давом эттирадилар. Уларнинг ваколат муддати тугагач, мамлакат президенти ва Верховная рада учта конституцион суд аъзосини тайинлайди.

Ўзгартишлар киритилаётган қонун лойиҳаси мамлакатда бир хил кутиб олинмади. Парламентдаги коммунистлар уни қўллаб-қувватлаган бўлса, мухолифатдаги кучлар – Наша Украина, Социалистик партия ва Юлия Тимошенко блоки лойиҳага қўшилмаслигини билдирди. Улар ҳатто Европа парламентлар ассамблеяси кенгашига мурожаат қилишни ҳам режалаштиришмоқда.

Қонун лойиҳасига энди конституцион суд хулоса бериши лозим.

"Агар конституцион суд киритилаётган ўзгартишларни амалдаги конституцияга хилоф эмас деб топса, қонун лойиҳаси келгуси йилнинг мартида Верховная рада сессиясида овозга қўйилади.", деди чет эл мухбирлари билан суҳбатда Украинанинг собиқ президенти, социал демократлар бирлашган фракцияси йўлбошчиси Леонид Кравчук.

Эслатиб ўтамиз, қонун ҳозирча биринчи ўқишда қабул қилинди. Масала тўлалигича келгуси йилнинг март ойида бўлиб ўтадиган сессияда ҳал этилиши керак. Қонунга ўзгартишлар киритилиши учун депутатларнинг энг камида уч юзтаси лойиҳани ёқлаб овоз бериши лозим. Демак, келгусида Украинада президентни халқ сайлайдими ёки парламентми деган савол ҳозирча очиқ қолмоқда.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

# Қаззофийнинг қарори

*Венада Ливия делегациясининг МАГАТЭ билан ўтказган музокаралари якунида расмий Триполи оммавий қирғин қуроли яратиш дастуридан воз кечганлигини маълум қилди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида мазкур масала юзасидан турли мулоҳазалар билдирилмоқда. Жумладан, Ироқда юз берган воқеалар Ливиянинг шундай қарор қабул қилишига олиб келди, деган фикрлар ҳам айтилди.*

Ливия давлати раҳбари Муаммар Қаззофий CNN орқали чиқиш қилиб, мазкур қарорнинг баъзи бир жойларига аниқлик киритди. У мамлакатда оммавий қирғин қуроли яратиш дастури ва асбоб-ускуналар мавжуд эканлиги, бироқ бу қуроллар йўқлигини, ҳали яратилмаганлигини таъкидлади. «Бизда мазкур қуроллар йўқ ва биз жаҳонда тинчлик ўрнатиш мақсадларида шу қарорга келдик, лекин бу — ниятимиздан тўлиқ воз кечди дегани эмас», дея қўшимча қилди у.

Маълум бўлишича, бундан бир муддат олдин Америка, Буюк Британия ва Ливия томони ўтказган махфий музокаралар чоғида бу ҳақда келишиб олинган. Ливия мамлакат ҳудудига БМТ инспекторларини киритишга розилик берган. Бугунги кунда расмий Триполи текширувчилардан ҳеч нарсани яшираётгани йўқ.

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ўтган ҳафта охирида Би-Би-Сининг биринчи телеканали орқали чиқиш қилиб, Ливия билан эришилган мазкур келишув Лондон ва Вашингтоннинг дипломатик йўл билан эришган муҳим ғалабаси эканлигини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, бундан тўққиз ой олдин Ливиянинг ўзи оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик борасида музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиққан.

Ливия ҳукуматининг қарори, айниқса, европаликлар томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Улар назарида бу мамлакат шу пайтгача кўплаб террорчиликлар ташкилотчиси ва молиявий қўллаб-қувватловчиси эди. Охирги бир неча йил ичида Қаззофийнинг Ғарбга нисбатан муносабати ўзгарди. Унда ўз давлатига нисбатан қўлланилаётган санкцияни бекор қилиш иштиёқи уйғонди. Ҳатто, 1988 йилги Локерби фожиасига алоқадорликда гумон қилинаётган икки махсус хизмат ходимини Шотландия судига топширди.

АҚШ ва Британиянинг коалицион ҳарбий кучлари Ироққа нисбатан ҳужум бошлаганда, Қаззофий Лондонга МАГАТЭ билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирганди. Шундан кейин Ливияга АҚШ ва Англия махсус кузатувчилар гуруҳи жўнатилди. Ядровий тадқиқотлар билан алоқадор 10 та объектни ливияликларнинг ўзлари кўрсатиб беришди. Бу эса хорижий кузатувчиларни ҳайратга солди.

БМТ инспекторлари раҳбари Ханс Бликс Ироқдаги воқеалар Қаззофийни шундай қарор қабул қилишга олиб келди, дея таъкидлади. Қаззофий эса шу масала юзасидан журналистлар саволларига жавоб берар экан, Ироқ масаласининг бунга алоқаси йўқлигини, халқи келажагини ўйлаб бундай қарорга келганлигини қайд этди. У, дунёда бугун сиёсий вазият бутунлай ўзгарди, оммавий қирғин қуролисиз ҳам Ливия ўзини ҳимоя қила олади, деди.

Оқ уй маъмурияти вакилининг сўзларига қараганда, Ливиянинг ядровий қурол дастури АҚШ ва Англия ўйлаганчалик такомиллаштирилмаган. Жумладан, ядро қуроли учун зарур моддалардан бири— уран моддаси бойитилмаган. Бироқ, биологик қурол яратиш учун кимёвий ашёлар етарли. Ливияликларнинг айтишича, ўртача радиусга эга бўлган ракеталарни такомиллаштириш ва четдан келтирилган технологиялар асосида янгисини ишлаб чиқариш имконияти борлиги сабаб, кимёвий ёки биологик қуролга эҳтиёж бўлмаган.

АҚШ расмийларининг билдиришича, эндиликда Ливия жаҳон давлатлари билан кенг кўламли алоқалар ўрнатиши мумкин.

Полковник Қаззофийнинг юқоридаги қарори жаҳонда турлича фикр уйғотди. Айрим газеталар унга эҳтиёткорлик билан муносабат билдиришмоқда. Жумладан, Буюк Британияда чиқадиган "Дейли Телеграф" газетаси Ливия йўлбошчисининг ўз сўзида турмаслигини эслатиб ўтди. Лондонда чоп этиладиган газеталардан бири эса Ливиянинг Шимолий Корея билан ҳамкорликда яратаётган узоққа отиладиган «AL-Fatah» ракетасини такомиллаштиришда Хитой розилик билдирганлиги тўғрисидаги хабарни чоп этди.

Нима бўлганда ҳам, Ливиянинг оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш дастуридан воз кечганлиги ҳақиқат. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этди ва бошқа давлатларни Ливия танлаган йўлдан боришга чақирди.

**Юнус БЎРОНОВ.**

### Эски дастурлардан воз кечмоқда

Майкрософт компанияси Windows 98, Windows NT 4 ва Outlook 2000 каби дастурларини умуман сотувдан олиб ташламоқчи. Бунга Sun Microsystemsнинг Майкрософт компаниясига нисбатан киритган даъво аризаси сабаб бўлди. Суд хулосасига кўра, юқорида санаб ўтилган дастурларга ноқонуний деб топилган код киритилган.

### Жазирама йил



Жаҳон Метеорология ташкилоти маълумотига қараганда, 2003 йилда сўнгги 142 йилдаги энг иссиқ ҳарорат кузатилди.

Шу йилнинг ёзида кўпгина мамлакатларда ҳаво ҳарорати энг юқори даражага чиқди.

### Хитой рекордчи



Ўтаётган йилимизнинг энг фаол рекордчилари сифатида хитойлик фуқаролар тан олинди. Улар йил давомида 19 марта Гиннес китобига кирадиган рекордлар ўрнатишди.

Гиннес рекордлари китобига 2500 йиллик тарихга эга ва 86 авлоддан иборат энг катта шажара сифатида Конфуцийлар шажараси киритилган.

Хитой девори – дунёдаги энг катта девор деб эътироф этилган.

Дунёда энг кўп аҳоли сони яшовчи бу мамлакат 2 миллионлик энг катта армияга эга.

# Энг қимматбаҳо...



**АРЧА** Токионинг хусусий клубларидан бирида ўрнатилди. 6 мертлик тирик арчага 11 миллион долларлик заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо қўл соатлари осилган.

Швейцариянинг Piaget компанияси ўрмон маликасини шу тарзда безатиб, Гиннесс рекордлар китобидан жой олмоқчи. Арчага осилган жавоҳирларнинг умумий вазни 1000 каратга тенг.

***

Раймон Блан исмли ошпаз Миллий салатлар ҳафталигида нархи 1000 долларлик **САЛАТ**ни тақдим этди. Оскфорддаги ресторанлар таомномасига киритилган мазкур салат 100 ёшдан ошган ноёб балиқнинг икрасидан тайёрланган. Айтиш жоизки, бундай икра 24 каратли 998 пробали олтиндан ясалган қимматбаҳо идишда қадоқланади ва унинг бир килограмми 23 минг доллар туради, деб хабар беради NEWSRU.com.



***

Австрия киноэкранларига «Наполеон» деб номланган **ТЕЛЕФИЛЬМ** чиқди. Уни суратга олиш учун 40 миллион доллар сарф қилинди. Франциялик режиссёр Ива Симононинг фильмида қатор киноюлдузлар иштирок этган. Катта жанг манзарасини яратишда эса Венгрия армиясининг 100 мингдан ортиқ аскар ва зобитлари, шунингдек, 3000 та тулпор қатнашган.

***



Жанубий Африканинг Steinmetz Group фирмаси 103,8 каратли **ОЛМОС** топишга муваффақ бўлди. У машҳур «Кўҳи-Нур» олмосидан 5 каратгина кам. Маълумотларга кўра, қиймати тахминан 11 миллион Швейцария франкига тенг жавоҳирни қайта ишлаш учун Йоханнесбург ва Нью-Йорклик заргарлар 18 ой тинимсиз меҳнат қилишган.

***



Нью-Йоркдаги ресторанлардан бири 41 долларлик **ГАМБУРГЕР**ни сотувга чиқарди. Егулик қарийб ярим килограмм вазнга эга. Лекин унинг афзаллиги фақат оғирлигида эмас, сифатида ҳамдир. Ундаги масалликлар Японияда махсус шароитда ўстирилган сигирлар гўштидан тайёрланган.

***

Queen Mary-2 **ЙЎЛОВЧИ КЕМА**нинг оғирлиги 150 минг тонна, қиймати 860 миллон доллар. Унинг узунлиги — 345 метр, эни — 41, баландлиги 72 метр, яъни 23 қаватли бинодек. Лайнер 2620 йўловчини сиғдира олади ва уларга 1250 киши хизмат қилади.

***

Америкалик олимлар Атлантика океани тубидан тарихда биринчи бор ичида энг қимматбаҳо **ХАЗИНА** бўлган кемани кўтаришди. 1860 йилда ясалган кемада 180 миллон долларлик олтин тангалар бор экан.

S.S. Republic кемаси 1865 йилнинг 25 октябрида 59 нафар йўловчи ва хазинани Нью-Йоркдан Янги Орлеанга олиб кетаётганда довулга учраб чўкиб кетган эди.

**С. ДОНИЁРОВ тайёрлади.**




«ҲИМОЯ»
ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай хўжалик низоларини кўриб чиқиш;
- корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
- шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
- чет эл ваколатхоналари аккредитацияси;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- уй-жой фондини нотурар жойга ўтказиш;
- корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

HIMOYA

Тошкент ш., А.Икромов к., 13-уй (Мўлжал – метронинг «Х.Олимжон» бекати.).
Телефонлар: Тошкент ш.: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72.
Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-65. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

2003 йилнинг 26 декабридан шаҳарлараро автобус йўналишларида янги тарифлар жорий этилаётганлигини маълум қилади.

1. Ҳар бир йўловчи-километр учун қуйидаги тарифлар жорий этилади:
- юмшоқ ўриндиқли автобусларда — 6 сўм 60 тийин;
- оддий ўриндиқли автобусларда — 6 сўм 30 тийин.

Ушбу йўналишларда ташишга рухсат этилган ҳар бир юк ўрни учун:
- дастлабки тўлиқ ва тўлиқсиз 100 км.га — 150 сўм;
- кейинги тўлиқ ва тўлиқсиз 100 км.га — 75 сўм олинади

2. Давлат мажбурий шахсий суғурта тўлови тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 апрелдаги 217-сонли қарорига асосан сақланиб қолади (суғурта тўлови чипта учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 фоизи миқдорида белгиланган).

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги.

